

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1460-ҳадис

1. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг олдига кирганларида, у зот вафот этиб, кўзлари очиқ қолган эди, бас у зот унинг кўзларини юмид қўйдилар. Сўнгра: «**Агар рух олинса, кўз унга эргашади**», дедилар. Абу Саламанинг аҳлларидан бўлган кишилар баланд овоз ила шовқин қилиб юбориши. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ўзингизга дуо қилаётганингизда, фақат яхшилик сўранглар, чунки фаришталар айтаётган нарсангизга омийн, деб туришади**», деб қўйидаги дуони ўқидилар: «Аллоҳуммағfir лиабий Саламата варфаъ дарожатаҳу фил маҳдийийна вахлуфҳу фий ъақибиҳи фил ғобирийна вағfirлана ва лаху йа роббал ъаламийн вафсаҳ лаху фий қобриҳи ва наввир лаху фийҳи».

Имом Муслим ривоятлари.

(Маъноси: Аллоҳим, Абу Саламани мағфират қил. Унинг даражасини ҳидоят топганлар қаторига кўтар. Орқасида қолганларга Ўзинг унинг ўрнини бос. Эй оламлар Рабби, бизни ва уни мағфират қил. Унинг қабрини кенг қил, нурга тўлдир.)

(Бу дуони ўқиётганда «Абу Салама»нинг ўрнига ўлган кишининг исми айтилади.)



NUBUVVAT MARVARIDLARI